

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УРИНОВ ЖАМШИД АЛИЕВИЧ

**БАНК ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702-Банк ҳисоби ва аудит

Иқтисод магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

**Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
«Банк ҳисоби ва аудит» кафедраси
мудири и.ф.н.,проф. Т.М.Қоралиев**

«_____» _____ 2013 й

**Илмий раҳбар:
и.ф.н. И.Ф.Сайфиддинов**

«_____» _____ 2013 й

ТОШКЕНТ - 2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
-------------------	----------

1-БОБ. БАНК ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1.1. Банк харажатларининг иқтисодӣ моҳияти ва уларнинг таркиби.....	8
1.2. Банк харажатлари ва операцион харажатлар ҳисобини ташкил қилиш асослари.....	19

2-БОБ. БАНК ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСО- БИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Банк функционал фаолиятини таъминлаб берувчи харажатлар ҳисоби.....	43
2.2. Операцион харажатлар ҳисоби ва уни таҳлили.....	49

3-БОБ. БАНК ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Банк операцион харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.....	61
3.2. Банк операцион харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари.....	66

ХУЛОСА.....	71
--------------------	-----------

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	75
--	-----------

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти бўлиб, капитал етарлилигини таъминлаш, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига эришиш, банк фойдасини кўпайтириш, ҳисобланади.

Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир¹.

Албатта банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси бўлиб, унинг капитали ва банк фаолиятининг даромадлилиги ҳисобланади. Юртбошимиз "...тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим"²лигини таъкидлаб ўтади. Ҳар бир тижорат банкининг асосий мақсади банк даромадларини ошириб ва харажатларни камайтирган ҳолда, максимал фойда олишдир. Юқори даромад олиш ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларининг риск даражасини оширади, чунки риск даражаси қанча юқори бўлса, фойда олиш эҳтимоли ҳам кўпаяди. Риск даражаси юқори бўлган шароитда тижорат банклари барқарорлигини таъминлашлари учун даромадлиликка, ликвидлиликка, тўлов қобилиятига доимо эътибор қаратишлари талаб этилади. Банклар ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш, банклараро рақобатда ютиб чиқиш учун фаолиятлари самарали бўлиши керак.

¹ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. www.press-service.uz.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир –Т.: Ўзбекистон, 2010. – б. 57.

Тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни бартараф этиш, уларни назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Жумладан, бухгалтерия ҳисоби бўйича конун ва меъёрий ҳужжатларнинг амалиётда талаб даражасида қўлланилмаётгани; банк молиявий натижалари ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилишнинг услубий жиҳатлари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги; тижорат банклари харажатлари ҳисобварақларда ва молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилмаётганлиги; тижорат банкларида операцион харажатларни ҳисоб-китоб қилиш, самарали таҳлил қилиш каби муаммоларнинг мавжудлиги. Ушбу муаммоларни бартараф этиш тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва устувор йўналишларини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўпчилик иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлган. Ушбу масаланинг турли жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилган, рисола, илмий мақола ва асарлар чоп қилинган.

Хусусан, тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлардан Л.Г. Батракова, Г.Н. Белоглазова, Ю.Г. Вешкин, Дж. Синки, О.В. Ефимовой, Е.П. Жарковская, Е.П. Козлова, Г.Г. Коробова, О.И. Лаврушина, Д. Мак Нотон, И.В. Пещанская, А.К. Полищук, Я.В. Соколов, Ф. Стивен, А.Д. Шереметларнинг³ илмий ишларида тадқиқ қилинган.

³ Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2-е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. - с. 312-328.; Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, –М.: Высшее образование, 2009. - с. 341-359.; Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. – с. 173-201.; Дж. Синки Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го переработанного изд./ под ред.Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера. М.: 1994, Catalaxu. - 820 с.; Анализ финансовой отчетности: Учебное пособие / Под ред. О. В. Ефимовой, М. В. Мельник. – М.: Омега – Л, 2004. – 408 с., Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.- с 377-380.; Козлова Е.П., Галагина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, 2000. с. 183.; Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – с. 177-192.; Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. -М.:

Шунингдек, банкларда операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари республикаимиз олимларидан Ш.З. Абдуллаева, Б.Т. Бердияров, Н.Ю. Жўраев, Н.Ф. Каримов, У.И. Костаев, Ё.А. Маҳмудалиева, С.Ш. Юлдашев, А.Қ. Қодиров, З.Умаровларнинг⁴ илмий ишларида ўз ифодасини топган. Албатта бу олимларнинг илмий ва услубий ишлари ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга. Шу ўринда А.Қ. Қодиров⁵, Ё.А. Маҳмудалиева⁶, З.Умаровлар⁷ олиб борган тадқиқотларни алоҳида эътироф этиш лозим, чунки улар айнан тижорат банкларининг молиявий фаолияти таҳлили билан шуғулланишган.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари яхлит ҳолда ўрганилмаган. Шунингдек, соҳа олимлари ўртасида ушбу масала бўйича мунозарали баҳсларнинг давом этаётганлиги мазкур муаммоларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқот мақсади иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида тижорат банкларининг операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

КНОРУС, 2008. - с. 233-251.; Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2-х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика – 2002. – 240 с.; Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка. Учебное пособие –М.: ИНФРА-М, 2001. - с. 320.; Полищук А.К. Банковский учёт и отчетность. – М.: Институт международного права и экономики им. А.С. Грибоедова, 1998. – с. 205; Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» -М.: Финансы и статистика, 2000.- с. 441.; Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006 . - с. 533-591, Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. - с. 60-107.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: Молия, 2002. -304 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операциялари даромадлиги. 08.00.07. и.ф.н. диссертацияси ЎзР БМА –Т.: 2002. - 133 б.; Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. 08.00.07. и.ф.н. дисс. ЎзР БМА –Т.: 1998. - 142 б.; Костаев У.И. Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили: 08.00.08. и.ф.н. дисс. ЎзР БМА –Т.: 2002. 174 б.; Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш: 08.00.07. и.ф.н. дисс. ТДИУ –Т.: 2001. - 147 б.; Юлдашев С.Ш. Бухгалтерский учет в коммерческих банках Республики Узбекистан. Учебные материалы ИЭО.-1995. -144 с.; Қодиров А.Қ. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. –СПб.: издательство СПбУЭФ, 1993. -152 с.

⁵ Қодиров А.Қ. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. –СПб.: издательство СПбУЭФ, 1993. -152 с.

⁶ Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш: 08.00.07. и.ф.н. дисс. ТДИУ –Т.: 2001. - 147 б.

⁷ Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари: 08.00.07. и.ф.н. дисс. БМА –Т.: 2010. - 168 б.

Тадқиқот вазифалари:

–тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини иқтисодий моҳиятини қиёсий ўрганиш ва уни ҳисоблаш амалиётини таҳлил қилиш асосида назарий хулосаларни шакллантириш;

–тижорат банклари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларнинг банк бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили услубиятига таъсирини тадқиқ қилиш;

–тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ тенденцияларни аниқлаш ва хулосалар бериш;

–тижорат банкларида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уни такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар бериш;

–тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Республикамиз ОАТБ “Туронбанк”нинг молиявий натижалари ва ушбу банк операцион харажатлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисоби назарий ва услубий жиҳатларини ташкил қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, коэффициентларни ҳисоблаш, омилли таҳлил каби усуллари қўлланилди.

Тадқиқот гипотезаси: Тижорат банклари операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини назарий-услубий асосларини яхлит тадқиқ қилиш натижасида берилган илмий таклиф ва тавсияларнинг қўлланилиши операцион харажатлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини янада ойдинлаштиради, банк фойдасига таъсир этувчи омиллар комплекс тадқиқ этилиши келгусида банк фойдасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

–банк амалиётида харажатларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди ва уларни тан олиш йўллари илмий тадқиқ қилинди;

–тижорат банкларида операцион харажатларни ҳисобга олиш тамойилларини қўллаш бўйича таклифлар берилди;

–тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар берилди;

–тижорат банклари операцион харажатлари ҳисобини таҳлил килиш усул ва услубларни қўллаш бўйича таклифлар берилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 74 бетни ташкил этган, унда 4 та жадвал, 2 расмдан иборат.

1-БОБ. БАНК ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1.1. Банк харажатларининг иқтисодий моҳияти ва уларнинг таркиби

Молиявий-иқтисодий тизимга интеграциялашув жарёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларидан максимал даражада фойда олишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятининг ҳам асосий мақсади юқори даромад олишга қаратилган бўлиб, бу даромадларни кўпайтириш йўллари уларнинг ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Банк даромадлари уларнинг фаолиятида вужудга келадиган харажатларни қоплашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банкларининг даромадлари нафақат олинadиган фойданинг, балки давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар кўринишидаги тўланадиган маблағларнинг ҳам манбаи ҳисобланади. Шу билан биргаликда банк даромадлари ва харажатлари уларнинг фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Банк харажатларининг иқтисодий моҳиятини очиб бериш кўп жиҳатдан унга берилган таърифларни ўрганишга боғлиқ. Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда ҳамда иқтисодий адабиётларда даромад тушунчасига турлича таърифлар берилган.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларни камайитишга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайитишга имкон беради.

Харажат — бу ҳисобот даврида пул маблағларининг ёки бошқа активларнинг камайиши сифатида, ёки капитал эгаларининг бадалларини қайтариб тўлаб берилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, капиталнинг камайишига олиб келадиган мажбуриятларнинг кўпайиши сифатида иқтисодий нафнинг камайишидир.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларини камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Харажат – бу пул воситасини ишлаб чиқариш (банк) ва ноишлаб чиқариш (нобанк) фаолиятларига ишлатиш (харажат қилиш) тушунилади.

Одатда, тижорат банклари харажатларини қуйидагича таснифланади:

1. Операцион харажатлар:

1.1. фоизли харажатлар

1.2. комисион харажатлар

1.3. молия бозоридаги операциялар бўйича харажатлар

1.4. бошқа операцион харажатлар.

2. Банк фаолиятини функционаллаштиришни таъминлаши бўйича харажатлар.

3. Бошқа харажатлар

Банк операцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар операцион харажатлар дейилади. Уларни тўғри ёки ўзгарувчан харажатлар дейиш мумкин. Чунки, харажатнинг катталиги банк амалга оширган операция ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади.

Тижорат банкларининг харажатлари структураси ишлаб чиқариш корхонасиникига нисбатан бошқача бўлади. Банкларда хом-ашё ва материалларга катта харажатлар йўқ, эксплуатация ва асосий воситаларнинг хизматларига харажатлар қиёсан унчалик катта эмас, ҳаттоки иш ҳақиға тўлов ҳам тижорат банклари харажатларининг умумий суммасида катта улушга эга эмас. Банк харажатлари структураси кўпроқ савдо-воситачилик корхоналари харажатлари структурасини эслатади. Маблағларни жойлаштиришдан даромад олиш учун, аввало, бу маблағларни жалб қилиш керак. Кредит ва қўйилмаларнинг бир қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, кредит ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил қилади. Жалб қилинган маблағларга эса банк фоиз тўлаши керак. Одатда, тижорат банклари харажатларининг катта

қисмини жалб қилинган маблағларга харажатлар ташкил қилади. Бу тўловлар фоиз шаклида амалга оширилганлиги учун, бу харажатлар фоизли харажатлар дейилади.

Кредит фаолияти билан актив ишлайдиган универсал тижорат банкларида фоизли харажатларининг улуши ҳамма харажатларининг деярли 70% ини ташкил этиши мумкин. Фоизли харажатларнинг катталиги ва уларнинг харажатлар умумий ҳажмидаги улуши банк пасивлари тузилишига боғлиқ. Аҳоли омонатлари ва банклараро кредитлар банк учун қимматли ҳисобланади. Шунингдек, банклар юридик шахслар депозитлари ва чиқарилган қарз мажбуриятларига (облигация, фоизли векселлар ва депозит сертификатлари) нисбатан катта фоизлар тўлайди. Банк учун энг арзон харажат бўлиб, юридик шахсларнинг ҳисоб-китоб ва жорий счегидаги, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунга ҳисобварағидаги маблағлари ҳисобланади.

Банк мажбуриятлари структурасида бу маблағлар улуши қанча кўп бўлса, фоизли харажатлар шунча кам бўлади ва банк фойдаси кўпаяди.

Банк фоизли харажатларини унинг умумий ҳажмига нисбатан ўсиши, банкнинг кредит ресурсларини оладиган бозор конъюктурасининг яхшимаслигидан ёки банкнинг бу бозорлардаги рақобат мавқеини ёмонлашганидан далолат беради. Фоизли харажатларнинг ўсиши, фоизли даромадларнинг адекват ўсиши билан ёнма-ён борса, бу ҳол нормал ҳисобланади. Фоизли даромадларнинг ўсиш суръати фоизли харажатларнинг ўсишидан ўзиб кетса, бу ҳол банк учун идеал ҳисобланади.

Одатда, молия бозоридаги операциялар бўйича харажатларни алоҳида гуруҳга ажратишади. Банк бу бозорлардан қимматликларни реализация қилиш бўйича даромадлар олади (қимматли қоғозлар, чет эл валюталари, қимматли металллар ва бошқалар), харажатларга эса, қимматликларни олиш учун кетган сарфлар киради. Банк купонли облигация сотиб олаётганида йиғилган купонли даромадларни тўлашига тўғри келади. Купонсиз қимматли қоғозлар одатда, дисконт билан сотиб олинади. Молия бозори

конъюктураси ёмонлашганда, қимматбаҳо қоғозлар, чет эл валютаси ва бошқа мулкларни қайта баҳолаш натижасида, банк анчагина харажатлар кўришига тўғри келади.

Бевосита аниқ банк операциялари билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар: оборотдан ҳар хил солиқлар (Масалан: чет эл валютасини сотиб олишга солиқлар), мижозлар тўловлари бўйича почта ва телеграф харажатлар ва бошқалар. Бу харажатлар бошқа операцион харажатлар дейилади.

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажалар. Банкни функционаллаштиришни таъминлаш билан боғлиқ, аммо аниқ операцияларга тўғридан-тўғри бормайдиган харажатлар бу гуруҳга киради. Иқтисодий назарияда уларни эгри ёки шартли-доимий харажатлар дейилади.

Активлари ҳажми кичик ва ўрта бўлган банкларда бу харажатлар суммаси унчалик билинмайди. Жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурслари ҳажми катта бўлган йирик банкларда, банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар умумий харажатларнинг 10-12% ини ташкил этади.

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. персоналга харажатлар (иш ҳақи, мукофот пули, моддий ёрдам, ходимларга ҳар хил имтиёзлар бериш, хизмат сафари харажатлари, персонални излаш ва ўқитиш бўйича харажатлар, ишни қўриқлашга харажатлар ва бошқалар);

2. бино ва иншоотларга харажатлар (ижара, амортизация, биноларни таъмирлаш ва эксплуатацияси, коммунал тўловлар, ер солиғи, мол-мулк солиғи, бинони қўриқлашга харажатлар ва бошқалар)

3. иш жойини асбоб-анжомлар билан таъминлашга харажатлар (сотиб олиш, ремонт, банк ускуналарини хизмати ва асранганлиги: компьютер, мебел, қуриқлаш мосламалари сигнализация, сейф, ҳисоб машиналари, валюта детекторлари ва бошқалар);

4. реклама харажатлари;

5. банк фаолиятини информацион таъминлашга харажатлар (вақти-вақти билан бўлиб турадиган нашрлар, махсус адабиётларни сотиб олиш ва ёзилиш, информацион маҳсулотлар ва ташқи агентлар хизматида тўловлар, маркетинг изланишларига харажатлар);

6. алоқа ва телекоммуникацияга харажатлар (алоқа каналларини ўтказиш ва ижараси, телефон ва интернет хизматида тўловлар ва бошқалар);

7. транспорт харажатлари;

8. банк фаолиятини таъминлаш бўйича бошқа харажатлар (аудиторлик текширувларига харажатлар, акционерлар йиғилишини ташкил этишга, нотариал ва юридик хизматларга тўловлар).

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатларни ҳар хил мезонлар бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ❖ жорий харажатлар ва капитал характердаги харажатлар (асосий воситаларни сотиб олиш);

- ❖ ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлар;

- ❖ чиқимларга тегишли харажатлар ва соф фойдадан амалга оширилган харажатлар;

- ❖ меъёрий ва номуеъёрий харажатлар.

Меъёрий харажатларга хизмат сафари, реклама, кадрларни тайёрлаш ва бошқа айрим харажатлар киради. Бу ерда қонунда кўрсатилган меъёрлар доирасидаги харажатлар суммаси кўзда тутилади.


Банклар Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш давлат фондига, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий суғурта фондига қонунларга мувофиқ ўтказиладиган мажбурий ажратмалар, жумладан банк тўловларини амалга оширадилар. Банк нодавлат пенсия фондларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турлари учун ўтказган ажратмалари, қонунларга мувофиқ банк мулкани ва банк ходимларини давлат суғуртасидан ўтказиш бўйича тўловлар ҳам банкнинг фойсиз харажатларига киради.

Банк асосий фондларни, жумладан, уларнинг банк фаолияти амалга оширишда фойдаланадиган алоҳида қисмларини, хусусан, тушумни инкассация қилиш учун автомобил транспортини ижарага олиш бўйича харажатлар қилади.

Банк ходимлари ва банк ходимлари бўлмаган, яъни ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлар учун иш ҳақи тўлаш харажатлари, амалдаги қонунларга мувофиқ, навбатдаги ва қўшимча таътиллار пулини, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш давлат мажбуриятларини бажаришлар учун сарфланган вақт эвазига ҳақ тўлаш каби харажатлар қилади.

Бундан ташқари банкларнинг фоизга даҳли йўқ харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиладиган харажатлари киради. Тижорат банклари олий ўқув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.


Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, тижорат банклари харажатларини қуйидагича таркибий қисмларга бўлиб келтириш мумкин:



1.1.1- Расм. Тижорат банклари харажатларининг таркиби

Бошқа харажатлар категориясига кўзга тутилмаган ҳолларда бўладиган тасодифий харажатлар киради. Бошқача қилиб айтганда, банк фаолиятидаги рискларни қоплашга кетган **харажатлар** дейиш мумкин. Бу харажатлар банк тизими сметасига қўшилади ёки олдинги даврдаги кўзда тутилмаган харажатлар даражасидан келиб чиққан ҳолда, сметада аниқ бир сумма назарда тутилади.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларни камайтиришга боғлиқ. Одатда, банклар ўз зиммасига операцион харажатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит хатари билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар. Тижорат банкларида харажатларни таркибий қисмларга ажратиш мумкин (1.1.2.-Расмга қаранг).



1.1.2.-Расм. Тижорат банкларида ички хўжалик операцион харажатларнинг таснифланиши

Бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

- ❖ штрафлар, пенялар, жарималар;
- ❖ ҳисобот даврида чиққан ўтган йилги харажатлар;
- ❖ банк мулкани реализацияси бўйича харажатлар;
- ❖ дебиторлик қарзларини ёпиш бўйича харажатлар;
- ❖ миждор норозилиги бўйича тўланган тўловлар;
- ❖ бошқа харажатлар.

Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашда, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади.

Харажатларга ликвидлилик сингари ҳар қандай устама фоиз ўзгаришлари пассивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қилади. Ўз навбатида, банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қилади.

Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

Фоизли харажатлар - барча мажбуриятлар бўйича тўпланган фоиз суммаси демакдир⁸. Бизга маълумки, тижорат банклари кредит ресурслари ташкил этишда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар қабул қилади. Ушбу депозитларга банклар маълум белгиланган фоизларда пул тўлайдилар. Тижорат банклари банк қарз мажбуриятлари бўйича тўланган фоизлар тўлайдилар, шу жумладан, қимматли қоғозларининг сотув нархи билан номинал қиймати орасидаги салбий тафовут бўлганида, баъзибир келтирилган, лекин тўланмаган фоизларни тўлашда банкларда фоизли харажатлар юзага келади.

Тижорат банкларида фоизли харажатларининг яна бири кредит ва унга боғлиқ операциялардир. Банклар, энг аввало, Марказий банкдан, бошқа

⁸ Козлова Е.П., Николаевна Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003г .98 стр

тижорат банкларидан, бюджетдан ташқари фондлардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан кредитлар олиши мумкин. Олган кредитлар учун тўланадиган қарз фоизли харажатларга киради.

Банк аввалги йиллар (ҳисобот йилига нисбатан) ҳисобига тўлаган фоизлар ва воситачилик йиғимлари ҳамда ўтган йилларда банк миждозлардан ортиқча ундирган фоизлар, воситачилик йиғимларини қайтариши билан фоизли харажатлар қилади.

Фоизсиз харажатларга маошлар ва қўшимча тўловлар, ускуна ёки биноларни ижарага олиш, харид қилиш, шунингдек бошқа операция харажатлари киради. Банклар Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш давлат фондига, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фондига қонунларга мувофиқ ўтказиладиган мажбурий ажратмалар, жумладан банк ходимларига мукофот ҳамда кўп йил ишлаганлик учун ёзиладиган тўловларни амалга оширадилар. Банк нодавлат пенсия фондларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турлари учун ўтказган ажратмалари, қонунларга мувофиқ банк мулкани ва банк ходимларини давлат суғуртасидан ўтказиш бўйича тўловлар ҳам банкнинг фоизсиз харажатларига киради.

Банк асосий фондларни, жумладан, уларнинг банк фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган алоҳида қисмларини, хусусан, тушумни инкассация қилиш учун автомобил транспортини ижарага олиш бўйича харажатлар қилади.

Банк ходимлари ва банк ходимлари бўлмаган, яъни банк штатида бўлмаган ходимларга, улар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлар учун иш ҳақи тўлаш харажатлари, амалдаги қонунларга мувофиқ, навбатдаги ва қўшимча таътиллари пулини, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш, давлат мажбуриятларини бажариш учун сарфланган вақт звазига ҳақ тўлаш каби харажатлар қилади.

Бундан ташқари, банкларнинг фоизга даҳли йўқ харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиладиган харажатлари киради.

Тижорат банклари олий ўқув юртлири билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.

Бизга маълумки, банкларни аудиторлик текширувидан ўтказиш банк учун, нафакат банк учун, балки барча тармоқлар, ташкилотлар фойда ёки зарар билан фаолият кўрсатишларини кўрсатиб бермадилар. Банклар аудиторлик фирмалари билан шарномада келишилган нархларда тўловни амалга оширадилар.

Банкни бошқариш тизимида маркетинг ва шунга ўхшаш функционал хизматлар ёки шундай функционал вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган мансабдор шахслар бўлмаган ҳолларда маркетинг ҳамда шунга ўхшаш бошқа хизматлар ҳақини тўлайдилар.

Ҳозирги замонда ахборотлар ҳаётимизда энг муҳим ўрин эгаллайди. Бу ахборотларнинг барчаси банкларга яқин бўлган амалиётдир. Бу хизматларни барчасини банклар катта харажатларга амалга оширадилар. Кунлик операцияда банклар мижозларга бир қанча ҳужжатлар тақдим этадилар, бу ҳужжатлар, канцелярия қоғозларига ҳам фоизсиз харажатлар ҳисобидан амалга оширилади⁹.

Бундан ташқари, банклар махсус адабиётлар, меъёрий ва йўриқнома тусидаги ҳужжатлар сотиб олиш, шунингдек, банк фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган махсус нашрларга обуна бўйича қилинадиган -харажатлари мавжуд.

⁹ Крис Дж. Барлтрон, Диана МакНотон. В 2-х томах. Организация работы в банках. –М.: “Финансы и статистика”. 2003 г 186 стр

1.2. Банк харажатлари ва операцион харажатлар ҳисобини ташкил қилиш асослари

Тижорат банкларининг харажатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги қарори билан тасдиқланган №578 (№290, ЎзР АВ 11.06.2009 й. 773-27-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МББ Қарори) - Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига асосан ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақлар режаси ва банк балансининг бешинчи бўлимида банк харажатларини ҳисобга олиб бориш учун 50000 - харажатлардан иборат бўлиб, ушбу бўлим қуйидагиларни ўз ичига олади:

50100 Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар

50600- Жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар

51100 - Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг мижоз олдидаги ўз (талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма, муддатли) депозит мажбуриятлари бўйича фоизли харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, банкнинг депозит мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

51600- ЎзрМБининг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ЎзРМБининг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар, шунингдек, ЎзРМБдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро, овердрафт ҳисобварақда вужудга келган овердрафт билан боғлиқ бўлган фоизли харажатларни ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек ЎзРМБга тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

52600-Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар

52601-52606 - Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг топшириғи бўйича ёки банк томонидан бажарилган тўланмаган акцептлар бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

53100 - қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар

54100 - узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар.

Ҳисобварақнинг таърифи: миқдорлардан ёки бошқа банклардан олинган кредитлар(моҳияти бўйича кредитлар деб аталадиган бошқа операциялар) бўйича банкнинг фоизли харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

54200 - чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан чиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, дисконт амортизацияси суммалари, шунингдек банкнинг чиқарилган қимматли қоғозлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида облигациялар бўйича нотўғри ҳисобланган фоизлар суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган суммаси ҳисобдан чиқарилади. 54204-54206 Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан чиқарилган жамғарма ва депозит сертификатлар бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

54208-54210 Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан чиқарилган векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар, дисконт амортизацияси суммалари, шунингдек банкнинг чиқарилган қимматли қоғозлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида облигациялар бўйича нотўғри ҳисобланган фоизлар суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган суммаси ҳисобдан чиқарилади.

54300- Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган репо битимлари бўйича фоизли харажатлар

54302-54395- Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: РЕПО битимлари (қимматли қоғозларни қайтадан сотиб олиш шарти билан тузилган олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув) бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк томонидан қилинган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри акс эттирилган харажатнинг қайтарилиш суммаси, РЕПО келишуви иккинчи қисмининг бажарилмаслиги натижасида ҳисобдан чиқарилган харажат суммаси, шунингдек, молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган харажатлар суммаси акс эттирилади.

54900- Бошқа фоизли харажатлар.

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, бошқа мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55100 - Фоизсиз харажатлар

55102-55106- ЎзРМБига тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ЎзРМБи томонидан кўрсатилган хизматлар учун банк харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ЎзРМБи кўрсатган хизматлари учун сарф қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа банклар томонидан кўрсатилган хизматлар учун банкнинг харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида бошқа банклар томонидан кўрсатилган хизматлар учун сарф қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-»Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55110 - Қимматли қоғозларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошираётган операцияларда (қимматли қоғозларни сотишда воситачилик,

брокерлик мукофотлари ва б.қ.) воситачилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида воситачилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун сарф қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади. 55114- Қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар билан амалга ошираётган операцияларда (қимматбаҳо металлларни сотишда воситачилик, брокерлик мукофотлари ва ҳ.) воситачилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида воситачилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун сарф қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55122- Сотиб олинган векселлар бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг векселлар билан амалга оширадиган операцияларда (қимматли қоғозларни сотишда воситачилик, брокерлик мукофотлари ва б.қ.) воситачилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида воситачилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун сарф қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк

молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55126- Аккредитивлар ва акцептлар бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: аккредитив очиш ва акцептлар бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун банкнинг харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида аккредитивлар ва акцептлар бўйича кўрсатилган хизматлар учун банк томонидан тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55130 - Овердрафт бўйича харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа банклар томонидан тақдим этилган овердрафт билан боғлиқ хизматлар учун қилинган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида овердрафт бўйича хизматлар учун банк томонидан тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55134- Кредитлар бўйича воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкка тақдим этилган кредитлар (моҳияти бўйича кредитлар деб аталадиган молиявий лизинг ва бошқа операциялар) учун расмийлаштириш ва кўрсатилган хизматларини ҳисобга олган ҳолда, банкнинг воситачилик харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тақдим этилган кредитлар бўйича банк томонидан қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55138- Кредит мажбуриятлари бўйича харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг бошқа банкларда кредит линияларини заҳиралагани учун қилган харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банкнинг бошқа банкларда кредит линияларини заҳиралагани учун тўланган харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55142- Менежмент бўйича харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг олинган маълумотлар, маслаҳатлар ва бошқарув хизматлари учун, шу билан биргаликда БДМАБ сўровлари бўйича қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида менежмент бўйича банк томонидан тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55146- Синдикат кредитларда қатнашиш билан боғлиқ харажатлар.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг синдикат кредитларда бош андеррайтер (гарантом) ҳисобланмаган ҳолда қатнашиши билан боғлиқ харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг синдикат кредитларда қатнашиши натижасида қилинган харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55150- Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу банк ташаббуси билан маҳаллий тўловларни амалга оширишда бошқа банклар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қилинган воситачилик харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг маҳаллий тўловларни амалга оширишда қилган харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55154- Хорижий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу банк ташаббуси билан хорижий тўловларни амалга оширишда бошқа банклар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қилинган воситачилик харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг хорижий тўловларни амалга оширишда қилган харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206 - «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55158- Инкассо операцияларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг инкассо операциялари бўйича кўрсатилган хизматлар учун қилган харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг инкассо операциялари бўйича қилган харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206 - «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55162- Кафолат ва кафиллик операциялари бўйича ва воситачилик харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг тақдим этилган кафолат ва кафилликлари учун қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг кафолат ва кафиллик операцияларини амалга оширишда қилган харажатларини суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55195- Бошқа воситачилик ва хизмат харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган хизматлар ва воситачилик харажатларини ҳисоби олиб борилади (инкассация, АБМ электрон почтаси хизматлари ва б.қ.).

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк

молиявий натижаси сифатида 31206- “Соф фойда (зарар)” (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55300 - Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар

55302- “Спот” битимлари бўйича хорижий валюталарда кўрилган зарарлар

55306- Ҳосилавий инструментлар билан тузилган битимлар бўйича хорижий валюталарда кўрилган зарарлар Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг Спот / Форвард / Опцион / Фьючерс битимлари бўйича кўрилган зарарларини ҳисоби олиб борилади. Зарарлар ўрнатилган муддатда баланс ҳисоботини тузиш санасига ҳисобварақлар қолдиғини қайта баҳолагандан кейин аниқланади.

Ҳисобварақнинг дебитида хорижий валютада тузилган битимлар натижасида кўрилган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ижобий қайта баҳолаш натижасида зарарларнинг камайиш суммаси, нотўғри ҳисобланган зарарларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- “Соф фойда (зарар)” (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55600 тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар 55606- қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар бўйича тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар бўйича тижорат операцияларидан кўрилган зарарлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар бўйича тижорат операцияларидан кўрилган зарарлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри акс эттирилган зарарларнинг ҳисобдан чиқариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-“Соф фойда (зарар)” (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55610- Савдога мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар

55614- Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг олди-сотди қимматли қоғозларининг ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг олди-сотди қимматли қоғозларининг ҳақиқий қийматининг камайиш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри акс эттирилган зарарларнинг ҳисобдан чиқариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-“Соф фойда (зарар)” (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55700 - Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар.

55702- Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Молиявий институтлар.

55706- Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Бошқалар.

55710- Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар - Молиявий институтлар.

55714- Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Бошқалар Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг инвестицияни сотиш ёки диспозиция қилишдан, шунингдек хўжалик жамиятларининг зарарлардаги улушини қабул қилиш натижасида инвестиция суммасининг камайишидан вужудга келадиган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида инвестицияни сотиш ёки диспозиция қилишдан, шунингдек хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарининг зарарлардаги улушини қабул қилиш натижасида инвестиция суммасининг камайишидан вужудга келадиган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри акс эттирган зарарларни ҳисобдан чиқариш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-“Соф фойда (зарар)” (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган зарар суммаси акс эттирилади

55718- Шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Молиявий институтлар

55722- Шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Бошқалар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияни сотиш ёки диспозиция қилишдан вужудга келадиган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияни сотиш ёки диспозиция қилишдан вужудга келадиган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри кўрилган зарарларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади

55800 - Инвестициялардан кўрилган зарарлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг савдога мўлжалланган ҳамда сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банкнинг инвестиция бўйича кўрилган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри кўрилган зарарларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-“ - «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади

55900 -бошқа фоизсиз харажатлар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрган зарарларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри кўрилган зарарларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56100 - Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар. Ушбу ҳисобварақ қўйидаги ҳисобварақларга бўлинади:

56102- Иш ҳақи

56106- Банк хизматчилари учун имтиёзлар

56108- Асосий раҳбар ходимларга мукофотлар

56110- Тиббий, стоматологик хизматлар учун ва шифохонада даволаш харажатлари

56114- Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар

56118- Ижтимоий ҳимоя бўйича харажатлар

56122- Бандлик фонди ва бошқа фондлар учун бадаллар

56195- Банк хизматчилари учун қилинган бошқа харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган фоизсиз харажатлар ҳисоби олиб борилади

Ҳисобварақнинг дебитида юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган амалга оширилган фоизсиз харажатлар ҳисоби акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56102- Иш ҳақи

Ҳисобварақнинг таърифи: хизматчиларнинг меҳнат иш ҳақи (меҳнат шартномаси ва фуқаро-ҳуқуқий характердаги шартномалар бўйича бажарилган), иш вақтидан ташқари қилинадиган ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар, мукофот тўловлари (ойлик иш, бажарилган махсус ишлар учун натижалар бўйича ва бошқалар учун), куп йиллик иш стажи ва банк низоми ва қонунчиликка мувофиқ банкнинг бошқа тўловлар учун харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида иш ҳақига қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56106- Банк хизматчилари учун имтиёзлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг хизматчилари учун берилган имтиёзларга қилган харажатлари, яъни мукофот тўловлари, (йил якуни бўйича мукофотлар, кўп йиллик хизмати учун, иш стажи учун қўшимча ҳақ,

байрам ва юбилей саналарига бериладиган мукофотлар ва бошқалар), банк ходимларининг ўқишлари учун тўловлар, шунингдек уларнинг стипендиялари, ходимларга бериладиган қимматли совғалар қиймати, ҳамда банк низоми ва қонунчиликка мувофиқ равишда жисмоний шахслардан ундириб олинган тўлов ҳисобига банк томонидан тўланадиган суммалар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида хизматчиларга имтиёзлари учун амалга оширилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

- 56108- Асосий раҳбар ходимларга тўловлар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчилик ва банк манфаатларига мувофиқ асосий раҳбар ходимлар (банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари ва бошқарув қарори қабул қилиш ваколатига эга бўлган бошқа шахслар)га тўланадиган мукофот билан боғлиқ (қоплаш характерида эга бўлган бошқа турдаги) харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида асосий раҳбар ходимларга тўланадиган мукофот билан боғлиқ ҳисобланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади

56110- Тиббий, стоматологик хизматлар учун ва шифохонада даволаш харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк ходимларига амбулатория ёки стационар медицина ва стоматология хизмати кўрсатиш учун қилган харажатлари, ҳамда улар ва уларнинг болалари учун соғламлаштириш лагерларига, санитар-курорт муассасаларига ва бошқаларга ўрнатилган

тартибда тўлиқ ёки қисман тўланадиган йўлланмалар қийматининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида медицина, стоматологик хизматлари кўрсатиш ва шифохонада даволаш харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56114-Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ нодавлат пенсия фондларига тўланадиган ихтиёрий бадаллари, банкнинг иш ҳақи фонди (ФОТ)дан бюджетдан ташқари Пенсия фонди ажратмалари, ягона ижтимоий тўловлар учун банк харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ижтимоий суғурта учун ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ёки ортиқча тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56118- Ижтимоий ҳимоя бўйича харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда меҳнат шартномасини муддатидан олдин тугатиш вақтида бериладиган ишдан бўшатиш нафақа(пособия) тўловлари ва компенсация тўловлар, шунингдек қонунчиликка ва банк низомига мувофиқ равишдаги нафақа (болаларга қонунчиликда ўрнатилган балогот ёшига етгунича бериладиган ва бошқа) тўловлари, моддий ёрдам пуллари ва бошқа тўловларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ижтимоий ҳимоя учун амалга оширилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56122-Бандлик фонди ва бошқа фондлар учун бадаллар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг бандлик Фондига, ЎзР Касаба уюшмаларининг Кенгаш Федерацияси ижтимоий суғурта бюджетига ва бошқа фондларга ажратмалар, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ равишда банк хизматчиларининг соғликларини мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш ва бошқа бадалларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида бандлик фондига ва бошқа фондлар учун амалга оширилган ажратмалар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56195- Банк хизматчилари учун қилинган бошқа харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқоридаги таърифланган ҳисобварақларга мос тушмайдиган, хизматчиларга тўланадиган (тўғарақлардаги, клублардаги машғулотларга, газета ва журналларга обуна бўлишга, қонунчиликда ўрнатилган меъёрдан ортиқча тўланган сафар ва ваколатли харажатлар суммаси ва бошқалар) тўловлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган, амалга оширилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56200- Ижара ва таъминот харажатлари.

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг ижарага олинган объектларга, шартнома асосида ишлайдиган банк ходимлари ҳисобланмайдиган ходимлардан ташкил топган кўрикчиларга, шунингдек кўриклаш сигнализациясига, ремонтга ва банк биносини, мебелларни, транспорт ва бошқа жиҳозларни сақлашга, банкнинг сув, электр, иситиш тармоғи ва бошқа коммунал хизматлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ижара ва таъминот учун ҳисобланган ва тўланган харажатларини суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206 - «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56300 - Хизмат сафари ва транспорт харажатлари

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ (транспорт(хизмат сафари харажатлари), меҳмонхона хизмати(яшаш учун бошқа хизматлар) қиймати ва лимит доирасидаги кунлик харажатлар; фрахт (банк офислари ўртасида жиҳозлар ва бошқа мулкларни кўчириш)харажатлари, хусусий ва ижарага олинган ҳаракат воситалари учун фойдаланиладиган ёқилғи харажатлари, шунингдек ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда хизмат сафари учун фойдаланиладиган банк ходимларининг шахсий автомобиллари учун харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида хизмат сафари ва транспорт учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56400 - Маъмурий харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг газета, радио, телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали берадиган реклама ва эълонларига, бланкаларга, девонхона ва офис қуролларига, почта ва ҳужжат маркаларига, телефон ва факс, маълумотларни узатиш учун бошқа алоқа каналлари (Reuters, SWIFT, Internet, телекс ва бошқалар)дан фойдаланиш харажатлари, шунингдек даврий нашрларга, шу билан бирга электрон билдиргичи(“PRAVO” тизими ва бошқалар)га қилинган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида маъмурий харажатларга тўланган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56500 - Репрезентация ва хайрия.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг тўғридан тўғри мавқеи(престижи) ва бизнесини ривожланишига имкон берадиган репрезентация ва кўнгил очар тадбирларга қилган, шунингдек тақдимот тадбирлари харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида репрезентация, кўнгил очар ва тақдимот тадбирлари учун қилинган харажатларини суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри қилинган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56506- Аъзолик бадаллари.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг аъзолик бадалларни тўлаш учун қилган харажатларини, агар банк клублар, ассоциация, ижтимоий ва бошқа ташкилотларнинг аъзолари бўлиб ҳисобланса, ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида аъзолик бадаллари учун тўланган харажатларини суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56510- Хайр-эҳсон ва хайрия харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг хайр-эҳсон қилган харажатлари ва хайрия жамғармалари ҳамда бошқа нотижорат фойда келтирмайдиган ташкилотларга омонат кўйилган омонатлари, шунингдек табиий офатдан кўрилган талофатларга қилинган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида хайр-эҳсон ва хайрия учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56600 Эскириш харажатлари.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг асосий воситалар, номоддий активлар ва кўчмас мулкка қилинган инвестициялар учун ҳисобланадиган эскириш харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган эскириш суммасининг қайтарилиши, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк

молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56700- Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг шартнома асосида юристлар ва бошқа фирмалар томонидан кўрсатилган юридик, аудиторлик ва маслаҳатчилик хизматлари учун тўлов харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида юридик ва маслаҳатчилик хизматлар учун қилган харажатларини суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56710- Суғурта харажатлари.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг ўз мулкани суғурта қилишга, ёнғиндан суғурта қилишга ва ўз фаолияти билан боғлиқ бошқа суғурта турларига қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида суғурта учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56714- Солиқ (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг солиқларга, йиғимларга ва қонунчиликка мувофиқ равишда мулкка, йўлга, экологияга бўладиган солиқлар каби бўлган мажбурий ажратмалар, ҳақиқий ишлаб топилган даромаддан Пенсия фондига бўладиган ажратмалар ва бошқа солиқлари (даромад солиғидан ташқари), шунингдек банкнинг лизензияларга қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган солиқлар ва лизензияларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56718- Жарима ва пеня харажатлари

Ҳисобварақларнинг таърифи: банкнинг амалдаги қонунчиликка ва қоидаларга асосан ўзига солинган пеня ва жарималар учун қилган харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган жарима ва пеняларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган жарима ва пеняларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56722- Суд жараёни ва активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг суд жараёни билан боғлиқ харажатлари, шунингдек банкнинг хусусийликни ўз номига ўзлаштириш бўйича харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида суд жараёни, шунингдек активларни сотиб олиш учун қилган харажатларини суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56795- Бошқа операцион харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56800 - Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг активлари бўйича кўриши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банкнинг активлар бўйича кўриши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56900 даромад (фойда) солиғини баҳолаш

56902 Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан олинган даромадларга ҳисобланган солиқлар (даромад (фойда) солиғи, ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга солинган солиқ, ва шу каби бошқа солиқлар) бўйича харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида даромад солиғи бўйича ҳисобланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган солиқларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

2-БОБ. БАНК ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Банк функционал фаолиятини таъминлаб берувчи харажатлар ҳисоби

Банк фаолиятини таъминловчи харажатларга банк функционал фаолиятини таъминловчи ва аниқ бирор бир операцияга тегишли бўлмаган харажатлар киради. Буни иқтисодий назарияда эгри харажатлар ёки ўзгармас харажатлар деб аташади. Ушбу харажатлар кичик банкларда операцион харажатлар билан деярли тенг бўлади, лекин катта банкларда улар операцион харажатларга нисбатан анча кам бўлади. Сабаби улар жуда кўп жалб қилинган маблағлар билан ишлайди.

Хар бир банк ўзининг бюджетлаштириш тизимидан келиб чиққан ҳолда ушбу харажатларни таснифлайди. Масалан:

1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар.
2. Бинолар ва иншоотларга харажатлар.
3. Иш жойини жиҳозлаш харажатлари.
4. Реклама ва сотишни жадаллаштириш харажатлари.
5. Банк фаолиятини маълумотлар билан таъминлаш харажатлари.
6. Алоқа ва телекоммуникация харажатлари.
7. Транспорт харажатлари.
8. Банк функционал фаолиятини таъминловчи бошқа харажатлар.

Банк функционал фаолиятини таъминловчи харажатларни шунингдек бошқа мезонлар бўйича ҳам бўлиш мумкин. Масалан:

1. Капитал характерига эга бўлган харажатлар.
2. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари.
3. Харажатларга ва фойдага ўтказиладиган сарфлар.
4. Меъёрлаштириладиган ва меъёрлаштирилмайдиган харажатлар.

Даромадлар сингари бошқа харажатлар категориясига кўзда тутилмаган вазиятларда юзага келадиган тасодифий харажатлар киради. Бошқача қилиб уларни банк фаолияти рискинни қоплаш харажатлари деб

айтиш мумкин. Ушбу харажатлар банк смета харажатларига киритилмайди ёки ўтган даврдаги сингари ҳисоб-китоб қилади. Бошқа харажатлар харажатларнинг нохуш элементларидан ҳисобланади ва кўпчилик ҳолатларда банк ходимларининг қонунчилик ва шартномаларни бузиш ҳолатларида, банк кредит сиёсатида адашишлар натижасида, банк бошқарувида камчиликлар бўлганда юзага келади.

Тижорат банклари корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, касса ва ссуда бўйича операцияларини бажаради. Шунингдек, турли ва бошқа пулли хизматларни кўрсатади. Банклар ўз фаолияти давомида операцияларни бажаришда турли хил харажатлар қилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари, харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солиғини ҳисоблаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ банк харажатлари баланснинг 50000 ҳисобрақами билан юритилади.

Банк фаолиятига оид харажатларга талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар бўйича тўланган фоизлар ёзилган, лекин тўланмаган фоизлар банк мажбуриятлари бўйича тўланган фоизлар банклараро кредитлар, банк олган қайта молиялаштириш кредитлари, муддати ўтган банклараро кредитлар бўйича тўланган фоизлар, воситачилик йиғимлари, чет эл валютасини харид қилиш учун тўланган воситачилик йиғимлари ва бошқалар киради.

Фоизсиз харажатлар турли-туман бўлади. Банкнинг харажатлари баланснинг қайси ҳисобрақамлари бўйича юритилишини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этамиз. Банкнинг фоизли харажатлари яъни, талаб қилиб олгунча, жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича харажатларнинг характери бир-бирига ўхшаш бўлиб, бу депозит мажбуриятлар учун ҳисобланган ва мижозга тўланган фоизлардир. Уларнинг баланс ҳисобрақамлари бўйича ёйилиши қўйидагича бўлади:

Ушбу фоизли харажатлар таснифий жиҳатдан ўхшашдир. Юқоридаги ҳисобрақамлар бўйича тузилган шартномалар асосида фоизлар ҳисобланади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қўйидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 50100 (50600, 51100)

Кредит–мижоз ҳисоб рақами ёки банкнинг мижоз олдидаги мажбуриятлари ҳисоб рақами.

Ҳисобот йили охирида бу харажатлар даромад ҳисобидан қопланади:

Дебет – 31206 (соф фойда)

Кредит – 50100 (50600, 51100).

Марказий банкка тўланадиган фоизли харажатлар баланс ҳисоб-рақамини қўйидагиларидан юритилади:

Бу ҳисобрақамлардан Марказий банк ҳисобрақами ёки депозитлари қолдиқ суммаларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, бухгалтерия проводкаси қўйидагича бўлади:

Дебет – 51600

Кредит – Вакиллик ҳисобрақам ёки депозит ҳисобрақами.

Бу харажатлар йил охирида фойда ҳисобидан қопланади, бухгалтерия проводкаси қўйидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 31206

Кредит – 51600

Бошқа банкларга тўланадиган фоизли харажатлар ҳам 3 та бўлиб, булар баланснинг қўйидаги ҳисобрақамларида юритилади:

Бу ҳисобрақамлардан бошқа банклар вакиллик ва депозит ҳисобрақамлари қолдиқларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, йил охирида банк фойдасидан қопланади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қўйидагича:

Дебет – 52100

Кредит – депозит ёки вакиллик ҳисобрақами.

Харажатни ёпиш:

Дебет – 31206

Кредит – 52100

Ёпилмаган акцептлар бўйича фоизли харажатлар баланснинг 52606-хисобрақамида акс эттирилади. қисқа муддатли ссудалар бўйича харажатлар – 53100 хисобрақамида, узоқ муддатли фоизли харажатлар – 54100 хисобрақамда юритилади.

Ссудалар бўйича фоизли харажатларнинг таснифи ўхшаш бўлиб, улар мижозлар ёки банклардан олинган олинган ссудаларга шартнома асосида ҳисобланган фоизларни тўлаш учун ишлатилади. Бу ҳолда бухгалтерия проводкаси қўйидагича:

Дебет – 53100 (54100, 53600)

Кредит – мижозларнинг даромад ҳисобрақами.

Бошқа фоизли харажатлар – 54902 баланс рақамида юритилади. Бу ҳисобрақамидан харажат қилинса, йил охирида у ҳам фойда ҳисобидан, яъни 31206 ҳисоб рақамидан ёпилади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қўйидагича бўлади:

Дебет – 31206

Кредит – 54902

Банклар фаолиятида фоизли харажатлар турли-туман бўлишида ва балансда қайси ҳисобрақамларда юритилишини ва уларни фойда ҳисобидан қоплашни бухгалтерия проводкаларини назарий жиҳатдан акс эттирдик. Бундан ташқари тижорат банклари маркетинг, функционал хизматлар ҳақини тўлаш, қўриқлаш, ёнғиндан сақлаш ва алоқа воситаларини ўрнатиш бўйича қилинадиган барча ишлар фоизли харажатларни ташкил этади.

ОАТБ “Туронбанк” банкининг фоизли харажатларининг туркумланишини жадвал кўринишида таҳлил этамиз.

2.1.1-жадвал.

ОАТБ “Туронбанк”нинг фоизли харажатлари таҳлили¹⁰

(Йил бошида, минг.сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 ил	2012 йил	Ўзгариши (+,-)
1	Депозитлар бўйича фоизли харажатлар	2 755 415	1 793 700	2 680 920	-74 495
2	Ссуда бўйича тўланадиган фоизли харажатлар	121 664	43 920	74385	-47 279
3	Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар	244 659	201 780	138649	-106 010
	Жами фоизли харажатлар	13 623 931	4 801 700	23 321 031	9 697 100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг фоизли харажатлари 2010 йилдаги ҳолатида 13623931 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 23321031 минг сўмга тенг бўлган. Яъни депозитлар бўйича фоизли харажатлар 74495 минг сўмга камайган, ссуда бўйича тўланадиган фоизли харажатлар 47279 минг сўмга камайган ўтган, чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар 244659 минг сўмга камайган лекин жами фоизли харажатлари эса 9697100 минг сўмга ошган.

Банкнинг фоизли харажатлари бухгалтерия проводкаси қўйидагича бўлади:

Дебет – 55100

Кредит–хизмат кўрсатган хўжалик юритувчи субъект даромад ҳисобрақами.

Йил охирида бу фоизсиз харажатлар ҳам банкнинг фойдаси ҳисобидан тўланади. Унинг проводкаси қўйидагича:

Дебет – 31206

Кредит – 55100

Чет эл валютасида зарар 2 кўринишда акс эттирилиши мумкин.

¹⁰ ОАТБ “Туронбанк”нинг 2010-2012 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида мустақил равишда тузилди

55302 – «Спот» шартномаси бўйича зарар.

55306 – «Форвард» /Опцион/ Фьючерс шартномалари бўйича зарар.

Бу ҳисобрақамлар орқали спот, форвард, опцион, фьючерс шартномаларидан қўрилган зарарлар ҳисоби юритилади.

Бу зарарлар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ҳисоб-китоб қилинади.

55600 – Қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар билан операциялардан зарар.

55800 – Инвестициялардан зарар.

Бошқа фоизсиз харажатлар қўйидаги ҳисобрақамларида акс эттирилади:

55902 – банк мол-мулкини сотишдан зарар.

55910 – банк активларини сотишдан зарар.

55995 – бошқа фоизсиз харажатлар.

Бу зарарлар ҳам йил охирида фойда ҳисобидан қопланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фоизсиз харажатларни қўйидаги жадвалда таҳлил қиламиз.

2.1.2-жадвал.

ОАТБ “Туронбанк”нинг фоизсиз харажатларини таҳлили¹¹

(Йил бошида, минг.сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	Ўзгариши (+,-)
1	Комиссион ва хизматлар учун харажатлар	2 116 035	918 714	634 507	-1 481 528
2	Чег эл валютасидаги зарарлар	1 139 913	286 760	425 750	-714 163
3	Бошқа фоизсиз харажатлар	30 046	3 020	7 111	-22 935
	Жами фоизсиз харажатлар	8 802 142	2 217 466	1 941 754	-6 860 388

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, банкнинг фоизсиз харажатлари 2010 йилда 8 802 142 минг сўм бўлган бўлса,

¹¹ ОАТБ “Туронбанк”нинг 2010-2012 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида мустақил равишда тузилди

бу харажатлар 2012 йилда 1 941 754 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан -6 860 388 минг сўмга камайган. Комиссион ва хизматлар учун харажатлар 2010 йилга нисбатан 1 481 528 минг сўмга камайган. Шунингдек, чет эл валютасидаги зарар ва бошқа фоизсиз харажатлар 714 1633 минг сўмга камайган. Демак, фоизсиз харажатлар банк фаолиятида 2010-2012 йилга нисбатан камайган бўлиб, молиявий натижаларни фойда билан тугашига ижобий таъсир кўрсатади.

2.2. Операцион харажатлар ҳисоби ва уни таҳлили

Тижорат банклар ўз операцион харажатларини банк Бошқаруви томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета доирасида амалга оширадилар.

Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича маблағларни банк раҳбари тасарруф этади. Банк раҳбари банк бўйича буйруқ чиқариб, смета харажатларини тасарруф этиш ҳуқуқини ўз ўринбосарига ишониб топширишга ҳақлидир. Банк Бошқаруви раиси ҳам буйруқ чиқариб смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳуқуқини ўзининг биринчи ўринбосарига бериши мумкин. Бироқ, смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериб қўйиш билан банк Бошқарув раисини унинг смета интизоми аҳволи учун қонунда белгиланган шахсий жавобгарликдан озод қилмайди.

Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета доирасида молиялаштириш ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси” (рўйхат рақами 773-17-сон, 2004 йил 13 август, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда)да белгиланган тартибда акс эттирилади.

Банк операцион харажатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган ходим бу харажатлар бўйича ҳужжатларни бухгалтерия ўтказмалари учун қабул қилаётганда қуйидагиларни текширади:

а) пули тўланаётган ҳужжатда кредитларни тасарруф этувчининг рухсат имзоси бор-йўқлиги (агар бўнак ҳисоботи каби жамлама ҳужжат пули тўланаётган бўлса, имзо фақат жамлама ҳужжатда бўлиши талаб қилинади);

б) пули тўланаётган ҳужжатдаги хусусий суммалар ва яқунлар тўғрилиги;

в) ҳужжат тўғри расмийлаштирилгани ва хусусан, кўрсатилган хизматлар учун тузилган тўлов ҳужжатларига банкнинг тегишли мансабдор шахслари бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинганини тасдиқлаб қўйган имзоларнинг бор-йўқлиги;

г) сотиб олинган моддий қимматликлар учун ёзилган тўлов ҳужжатларда бу қимматликларни улар бут сақланиши учун жавобгар шахслар қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги тилхатларнинг бор-йўқлиги;

д) ҳужжат пули ҳисоботи топшириладиган суммалардан тўланган ҳолларда пул олингани тўғрисида ҳужжатга имзо чекилгани.

Агар ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилса, у ҳолда мемориал ордер тузилади. Мемориал ва касса ордерлари банк ички ҳисобварақлари бўйича ҳисоб юритадиган бухгалтер ҳамда бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тегишли ҳисобот даври давомида амортизация (харажатга ўтказилади) қилиниши лозим. Бундай харажатларга йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи, хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, даврий нашрга обуна бўлиш бўйича, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси, бинони ижараси учун олдиндан тўлов, олдиндан суғурта бадали, олдиндан аудиторлик хизматлари учун тўловлар, фаолият кўрсатиш билан

боғлиқ ташкилий харажатлар ва бошқа солиқ тўловлари мисол бўлиши мумкин.

Автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари, фойдаланилган ёнилғи қиймати ҳисоби “Транспортни сақлаш ва шаҳар бўйлаб юриш” номли алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади. Бундан ташқари, мазкур шахсий ҳисобварақда марказлаштирилган таъминот анжомларини вилоят доирасида ташиш харажатлари ҳисоби ҳам олиб борилади.

Банк реклама ва хабар бериш, канцелярия анжомлари ва офис буюмларини сотиб олишга қиладиган харажатлар, почта, телефон ҳамда факс харажатлари, даврий нашрлар, китоблар, газеталар учун қиладиган харажатлар ҳисоби “Маъмурий харажатлар” номли шахсий ҳисобварақда тегишли тарзда иккинчи тартиб ҳисобварақларида юритилади. Бу ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида қилинади.

Банк ходимларининг иш ҳақи ва уларга тўланадиган бошқа тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда кўйидаги тегишли ҳисобварақлар юритилади:

- «Иш ҳақи ва ходимлар учун бошўа харажатлар»;
- «Ижара ва сақлаш»;
- «Хизмат сафари ва транспорт харажатлари»;

-“Маъмурий харажатлар” ва шу кабилар. Бу ҳисобварақларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар ҳисоби – “Пули олдиндан тўланган харажатлар” ҳисобварағида юритилади. Бу ҳисобвараққа охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, келаси йил учун газеталарга обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага

олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу кабилар ўтказилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар. Олдиндан тўланган харажатлар номли 19925 - ҳисобварақдан Марказий банкдаги қуйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобварақларига “Иш ҳақи” номли 56102, “Даврий нашрлар, китоблар, газеталар” номли 56418, “Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш” номли 56216 - ҳисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошқа тегишли ҳисобварақларга ўтказилади.

Суммалари ҳисобидан ижтимоий суғуртага ажратмалар қилинмайдиган, ишдан бўшаганда тўланадиган нафақаларни давлат ижтимоий суғуртасига доир бадаллар бўйича ҳисоб-китоб қайдномаларини ажратиб кўрсатиш учун бу нафақа тўловлари ҳисобини алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритиш тавсия этилади.

Операцион харажатларни расмийлаштиришда бухгалтер 29802 - ҳисобварақдаги бўлақларни ҳисобга олган ҳолда смета маблағнинг қолдиғи ушбу чиқимни тўлаш учун етарли эканлигини текширади.

“Иш ҳақи ва ходимлар учун сарфланган бошқа харажатлар - 56102”, “Хизмат сафари йўл харажатлари - 56302” ва “хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар” ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақлар махсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобварақлари юритилади.

Иш ҳақи банк ходимларига фақат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта: ойнинг биринчи ва иккинчи ярми учун тўланиши лозим.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақининг барча турлари иш ҳақи фондига киритилади.

Банк ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган мукофотлар 56106 – “Банк хизматчилари учун имтиёзлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Бу харажатларнинг барчаси ходимларни моддий рағбатлан-тириш учун қилинади ва йил охирида фойдадан қопланади ва қуйидагича берилади:

Дебет – 31206

Кредит – 56102, 56106, 56195 ва бошқалар.

56200 – Ижара ва хўжалик харажатлари турли-туман бўлади, улар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ёпилади, яъни

56300 – Сафар ва транспорт харажатлари.

Бу харажатлар ҳам банк фаолияти асосий харажатларидан бири ҳисобланиб, йил охирида фойда ҳисобидан ёпилади.

Дебет – 31206

Кредит – 56300 ҳ.в. бўлади.

56400 – Маъмурият харажатлари.

Бу харажатлар банк фаолиятини реклама қилиш, концелярия, офис, почта, телефон, факс хизматларидан фойдаланиш, газета, журналларга обуна бўлиш, банк учун зарур бланкаларни типографиядан чиқариш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади. Бу харажатлар ҳам йил охирида банк фойдаси ҳисобидан ёпилади.

56500 – Презентация ва солиқлар.

56600 – Амортизация (эскириш) харажатлари.

56700 – Суғурта ва солиқлар.

56800 – Эҳтимолли зарарларни баҳолаш.

56900 – Даромад солиғини баҳолаш.

Юқорида ёзиб ўтилган банкнинг операцион харажатларини барчаси йил охирида фойдадан ёпилади.

Юқоридаги ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида амалга оширилади.

Демак, операцион харажатлар банк фаолиятининг харажатларини асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Ушбу операцион харажатларни ОАТБ “Туронбанк” нинг молиявий натижаларидан фойдаланиб жадвал кўринишида таҳлил этамиз.

2.2.1-жадвал.

ОАТБ “Туронбанк”нинг операцион харажатлари таҳлили¹²

(Йил бошида, млн.сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	Ўзгариши (+,-)
1	Иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар	11 129 549	3 991 710	5 812 356	-5 317 193
2	Ижара ва сақлаш харажатлари	2 455 444	817 556	1 221 004	-1 234 440
3	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	420 245	182 833	200 115	-220 130
4	Маъмурий харажатлар	1 062 712	505 486	463 049	-599 663
5	Презентация ва кўнгиш оловчи тадбирлар учун харажатлар	1 085 779	433 826	397 861	-687 918
6	Эскириш харажатлари	1 538 866	512 082	619 255	-919 611
7	Суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар	2 810 360	1 258 251	1 460 933	-1 349 427
	Операцион харажатларнинг жами	20 502 955	7 701 744	10 174 573	-10 328 382

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг операцион харажатлари 2010-2012 йилга нисбатан 10 328 382 минг сўмга камайган.

Операцион харажатларда иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатларнинг салмоғи ўтган йилга нисбатан 5 317 193 минг сўмга камайган. Бундан ташқари бошқа операцион харажатларига эътибор берадиган бўлсак барча харажатлар 2010 йилга ўсган бўлса 2012 йилда эса камайган. 2010 йилдаги харажатларининг ўсишини асосий сабаби бўлиб, айнан ушбу йилда ОАТБ “Туронбанк” бош биносининг реконструкция қилиниши сабабли барча харажатлари ошган ва 2012 йилга келиб операцияон харажатлари камайиш тенденцияларига эга бўлган. Бундай тарзда банк харажатларини камайиши ижобий ҳолат деб баҳолаймиз. Банк бўлими операцион харажатлари мақсадга мувофиқ камайган.

Умумий банк харажатларини ягона жадвал кўринишида таҳлил этсак, қайси турдаги банк харажатларини улушини кўпроқ қайси харажатларга тааллуқли эканлигини таҳлил этамиз.

¹² ОАТБ “Туронбанк”нинг 2010-2012 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида мустақил равишда тузилди

2.2.2-жадвал.

ОАТБ “Туронбанк” умумий банк харажатларининг таҳлили¹³

(Йил бошида, млн.сўм)

№	Кўрсаткич-лар номи	2010		2011		2012		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
1	Фоизли харажатлар	13623931	31,73	4801700	32,61	9263804	43,32	-4360127	11,59
2	Фоизсиз харажатлар	8802142	20,50	2217466	15,06	1941754	9,08	-6860388	-11,42
3	Операцион харажатлар	20502955	47,76	7701744	52,31	10174573	47,58	-10328382	-0,18
	Жами банк харажат-лари	42929028	100	14720910	100	21380131	100	-21548897	-

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, банкнинг умумий харажатлари ўтган йилга нисбатан 21 548 897 минг сўмга камайган. Банк моддалари бўйича ўзгаришлар турлича кўринишга эга.

Умумий ҳолда банк харажатларини барча турлари бўйича харажатлар суммада камайган, аммо фоизлар бўйича харажатлар салмоғи 11,59 фоизга кўпайган.

Ўтган йилга нисбатан умумий банк харажатлари салмоғида фоизсиз харажатлар 11,42 пункт камайган. Банкнинг бошқа харажатларининг яъни операцион харажатлар 0,18 пунктга камайган.

Тижорат банклари ўз фаолиятида банк харажатларини ҳисоботи тузилган шартнома тартиблари асосида акс эттирилади. Бундан ташқари банклар томонидан белгиланган тартибда рўйхат қилиб берилади.

Бу ҳисобот турли хил бўлади:

- кунлик ҳисоботлар;
- ойлик ҳисоботлар;
- чорақда тузиладиган ҳисоботлар;
- йиллик ҳисоботлар.

¹³ ОАТБ “Туронбанк”нинг 2010-2012 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида мустақил равишда тузилди

Демак, йил охирида барча ҳисоботлар умумлаштирилади ва йиллик ҳисобот шаклида тақдим этилади.

Ушбу ҳисоботлар ёрдамида банкнинг реал харажатлари акс эттирилади.

Ушбу ҳисоботлар юқори банк муассасаларига топширилади. Шундан сўнг юқори банкларга келиб тушган бухгалтерия ҳисоботи текширилади, таҳлил қилинади ва унинг асосида зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ҳисобот маълумотларида номувофиклик борлиги аниқланса, бунинг сабаблари қисқа муддатда аниқланиши ва тартибга солиниши лозим.

Шу ўринда банкнинг операцион харажатларидан бири асосий воситаларнинг эскириш харажатлари ҳақида фикр юритиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларида ердан бошқа барча асосий воситаларнинг фойдаланиш муддати чегараланган бўлади. Ушбу асосий воситаларнинг эскириш қиймати хизмат муддати чегараланган бўлганлиги сабабли, бутун фойдали хизмат муддати давомида банк харажатлари учун эскириш ажратмалари сифатида тақсимланиши лозим. Асосий воситаларнинг хизмат муддати 2 та асосий сабаб билан чегараланади: жисмоний эскириш (фойдаланиш натижаси, активдан фойдаланиш, шунингдек, табиий омилларнинг таъсири), маънавий эскириш (активлар замонавий талабларга жавоб бермайди). Асосий воситалар бўйича эскириш ажратмалари уларни ишга солишдан сўнг кейинги ойдан бошлаб, уларни ҳисобдан чиқариш давригача давом этади. Эскириш харажатлари активнинг фойдали хизмат муддати давомида ҳар ой мунтазам равишда акс эттирилади¹⁴.

Активнинг фойдали хизмат муддати банк учун ушбу активдан тахмин қилинган фойдани баҳолаш орқали аниқланади.

Активнинг фойдали хизмат муддати активдан фойдаланиладиган вақт бўлган йилларда, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳажмида, юриш кўрсаткичида (агар автомобиль назарда тутилган бўлса) ўлчаниши

¹⁴ Солиққа тортиш мақсадлари учун амортизациянинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

мумкин. Активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда қуйидаги омилларнинг барчаси ҳисобга олиниши лозим:

- 1) банк томонидан активдан кутилаётган фойдаланиш ҳажми активнинг тахминий қуввати ёки жисмоний унумдорлиги бўйича баҳоланади;
- 2) тахмин қилинаётган жисмоний эскириш;
- 3) активнинг маънавий эскириши ушбу актив турининг ишлаб чиқариш жараёни ўзгариши ёки такомиллаштирилиши натижасида аниқланади;
- 4) активдан фойдаланишда юридик ёки шунга ўхшаш чеклашлар - бу активдан фойдаланиш ёки ижара муддатларини чеклашдир.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини узайтиришга олиб келадиган амалга оширилган кейинги харажатларни, шунингдек, ушбу муддатни қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, банклар томонидан асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати қайта кўриб чиқилиши мумкин. Банклар, камида, ҳар йилнинг охирида асосий воситаларнинг ликвидация қийматини ва фойдали хизмат муддатини кўриб чиқади.

Асосий воситанинг фойдали хизмат муддати, унинг ҳолатини дастлабки ҳисобга олинган нормативларга кўра юқори даражада яхшилайдиган кейинги харажатлар натижасида (капитал таъмирлаш, такомиллаштириш ва бошқа ҳолларда) узайтирилиши мумкин. Ва аксинча, технологик ўзгаришлар ёки хизмат кўрсатиш бозоридаги ўзгаришлар активнинг фойдали хизмат муддатини қисқартириши мумкин. Бундай ҳолларда фойдали хизмат қилиш муддати ва шундан келиб чиққан ҳолда, амортизация меъёри жорий ва келгуси даврлар учун ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоланишидаги ўзгаришлар бўйича (МСФО) талабларига мувофиқ тўғриланади.

Активнинг ликвидация қиймати катта бўлган тақдирда, у активларни сотиб олиш санасига ёки олдинги ҳар қандай баҳолаш санасига аниқланади. Ликвидация қиймати активнинг фойдали хизмат қилиш муддати охирида

ликвидация бўйича кутилаётган харажатлар суммасига камайтирилиши лозим.

Қуйидаги омиллар амортизация (эскириш)ни аниқлашга таъсир кўрсатади:

- 1) Бошланғич қиймат
- 2) Ликвидация қиймати
- 3) Тахмин қилинган фойдали хизмат муддати
- 4) амортизация (эскириш) ҳисоблаш усули.

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

- 1) бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули;
- 2) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули;
- 3) тезлаштирилган усуллар:
 - а) йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул);
 - б) камаядиган қолдиқ усули.

Қўлланилаётган амортизация усули банкка активдан келаётган иқтисодий фойданинг олиш жадвалини акс эттириши лозим. Ҳар хил турдаги активларга ҳар хил амортизация ҳисоблаш усуллари қўллаш мумкин. Бунда, бир турдаги асосий воситаларга фақат битта тегишли усулни қўллаш лозим.

Эскиришни ҳисоблаш бўйича танланган усул ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб белгиланиши ва бир ҳисобот давридан кейинги ҳисобот даврига кетма-кет тартибда қўлланилиши ҳамда танланган усул йил давомида ўзгармаслиги лозим. Амортизация усулини танлашда фойдаланилаётган объектнинг нимага мўлжалланганлигидан ва ушбу усулни мазкур объектга нисбатан қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиш лозим.

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули доимий эскириш (амортизация) суммасини асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати давомида уларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг қисмга

таксимлашдан иборат. Бунда, қуйидаги формулалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\text{ЙЭС} = \frac{\text{Ақ}}{100} \times \text{ЭМ} \quad \text{АХҚМ} = \frac{1}{\text{ЭМ}} \times 100\% \quad \text{ОЭС} = \frac{\text{Ақ}}{12 \times 100} \times \text{ЭМ}$$

ЙЭС - йиллик эскириш суммаси

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати

АХҚМ - активнинг хизмат қилиш муддати

ЭМ - эскириш меъёри

ОЭС - ойлик эскириш суммаси.

Ушбу усул, амортизация фақат фойдали хизмат муддатига боғлиқлиги тўғрисидаги тахминга асосланган.

Эскиришни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули активдан мўлжалланган фойдаланишдан ёки тахминий унумдорликдан келиб чиққан ҳолда амортизация суммасини ҳисоблашдан иборат. Ушбу усул асосий воситанинг иш ҳажми ҳисобини ҳар бир аниқ йилда юритишга асосланган. Ушбу усул бўйича йиллик эскириш миқдорини аниқлаш учун активнинг бутун фойдали хизмат муддати давомидаги умумий иш ҳажмини баҳолаш ҳамда ҳар бир йилдаги иш ҳажмини аниқлаш зарур. Иш ҳажми сифатида иш (маҳсулот) ҳажми, ишланган соатлар миқдори олиниши мумкин. Бунда амортизация қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{АС} = \frac{\text{АҚ}}{\text{АБС}} \times \text{ДБС, бунда}$$

АС - амортизация суммаси

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати

ДБС - ушбу давр учун бирликлар сони

АБС - активнинг бутун фойдали хизмат муддати учун мўлжалланган бирликлар сони

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули амортизация (эскириш) фақат фойдаланиш (ишлатиш) натижаси

ҳисобланишига ва вақт оралиғи эскиришни ҳисоблаш жараёнида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигига асосланган.

Активлардан жадал равишда фойдаланилганда, шунингдек, илмий-техника тараққиётининг таъсири катта бўлганда, активлар эскиришини тезлаштирилган эскириш усуллари асосида ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

1) Йиллар йиғиндиси усули объектнинг хизмат қилиш муддати ҳисобланган йиллар йиғиндисидан иборат бўлиб, у ҳисоблаш коэффициентининг махражида бўлади. Ушбу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат қилиш муддати охиригача қоладиган йиллар сони (тескари тартибда) ҳисобланади.

2) Камаядиган қолдиқ усули активнинг фойдали хизмат муддати давомида ҳисобланаётган амортизация суммасини камайиб боришини назарда тутди. Бу усул ҳам йиллар йиғиндиси усулидаги каби тамойилларга асосланган. Мазкур усулда нормадагига нисбатан икки барабар оширилган амортизация нормаси, яъни тўғри чизиқли усулида қўлланиладиган норма қўлланилади.

Асосий воситаларга қўлланиладиган амортизация усули даврий равишда қайта кўриб турилиши ҳамда ушбу активлардан иқтисодий наф олиш тахминий жадвалида катта ўзгаришлар юз берган тақдирда, мазкур ўзгаришларни тўғри акс эттириш учун амортизация ҳисоблаш усули ўзгартирилиши лозим ва бухгалтерия баҳоланишдаги ўзгариш каби ҳисобга олиниши лозим, жорий ва келгуси даврлар учун амортизация ажратмалари эса (МСФО) талабларига мувофиқ ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоланишидаги ўзгаришлар бўйича коррективировка қилиниши лозим.

3-БОБ. БАНК ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Банк операцион харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин йирик халқаро молиявий ташкилотлар ва бозор муносабатлари асосида хўжалик юритадиган қатор мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Бу ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча тармоқлари сингари банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоб варақлар режаси ва молиявий ҳисоботларни зудлик билан халқаро андозаларга мослаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Чунки, хўжалик юритишнинг марказдан режалаштириш шароитида банкларда қўлланилиб келинган бухгалтерия ҳисоб варақлар режаси ва молиявий ҳисоботлари бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг янги талабларига мутлақо тўғри келмас эди. Хусусан, халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий компания ва инвесторлар мамлакатимиз банклари баланси ва молиявий ҳисоботларини “ўқий олмасди” ва тегишли қарорлар қабул қилолмасди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича жуда қисқа муддатда қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит ислоҳоти тўғрисида”ги 37–сонли Қарори асосида “Артур Андерсен” халқаро консалтинг фирмасибилан Марказий банк ва тижорат банклари учун алоҳидахалқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботларнинг шакллариинишлаб чиқди¹⁵ ва МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан

¹⁵Маълумки, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига биноан банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

бўлиб, 1997 йил март ойида банклараро электрон тўлов тизими билан параллел равишда амалиётга жорий этди.

Ушбу бухгалтерия ҳисобварақлар режаси ва ҳисобот шакллари халқаро андозаларга мос келиши билан бирга, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 6–моддасида белгиланган қоидаларини деярли қамраб олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари:

- давлат томонидан тегишли молия-бюджет сиёсатини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида пул оқимлари устидан мониторинг ўтказиш ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилишга;

- халқаро молия ташкилотлари, инвесторлар ва хорижий ҳамкорларни молиявий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга;

- Марказий банкнинг мамлакат пул тизими, пул ўтказмалари устидан назорат қилиш, монетар сиёсатни амалга оширишга;

- тижорат банклари бошқарув кенгаши ва акциядорлари, инвесторлари ва мижозлар учун қарорлар қабул қилиш ва зарур ахборотларни олишга тўлиқ имкониятберади.

Бундан ташқари банклардаги бухгалтерия ҳисоби ва электрон тўлов тизими:

- хўжалик юритувчиларга бир ва бир неча банкда ҳисобварақлар очиш;
- иқтисодиётда пул ўтказмалари бир неча дақиқаларда амалга ошириш;
- банкларда кўп валютали ва миллий валютада умумлашган кунлик баланс тузиш;

- давлат бюджетининг ягона кассасига тушадиган бюджет даромадлари ва харажатлари устидан кунлик назорат ва мониторинг қилиш;

- ва бошқа қатор қулайлик ва имкониятларни беради.

Банк амалиётда жорий этилган бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари (БҲХА) ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалар

(МҲХА) бир-бирини тўлдиради, лекин таркибий тузилиши, айрим мезонлари ва мақсади жиҳатидан бир-биридан фарқланади.

Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги пайтда мамлакатимиз Марказий банки ва тижорат банкларида тузилаётган бухгалтерия ҳисоби, баланс ва бошқа ҳисоботлар халқаро андозалар, яъни БҲХА асосида амалга оширилади. МҲХА эса Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжат, йўриқнома, низом ва бошқа мезонлари тарзида жорий этилган.

Бундан кўриниб турибдики, Марказий банкнинг мазкур ҳужжатларида белгиланган тартиб, талаб ва мезонлари МҲХАдан айрим жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, мамлакатимиз тижорат банклари регулятив капитали таркибида девальвация захираси асосий манба сифатида эътироф этилади, МҲХА талаби бўйича девальвация захирасини банк капитали таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Агар МҲХА талабига асосан мамлакатимиз банклари девальвация захирасини капитал таркибида инобатга олинмайдиган бўлса, унинг етарлилигига қўйилган талаб даражаси пасайиши мумкин.

Демак, бундан кўриниб турибдики, банк амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини тайёрлашда қўлланиладиган Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари ва низомлари ўрнига МҲХАни қўллаш вақт, меҳнат ва маблағ талаб этиш билан бирга, айрим мезонлар бўйича жиддий таркибий ўзгаришларни қабул қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бунинг асосий сабабларидан бири, 2008 йил август ойида рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидир, ушбу инқироздан кейин халқаро молия бозори ва иқтисодий муносабатларда ўзаро алоқага киришадиган барча иштирокчиларда молиявий ҳисоботларни бир хил мезон ва талаблар асосида тузиш зарурияти вужудга келди. Ҳозирги кунда бу мезон ва талаб молиявий ҳисоботларни халқаро андозалари сифатида МҲХА эътироф этилмоқда.

Бу ўз навбатида, МХХАнинг барчасини банклар фаолиятида қўллаш мумкинми? –деган ҳақли саволни туғилишига сабаб бўлади. Шу масала юзасидан, халқаро Базель қўмитаси ривожланган мамлакатларнинг Молия вазирлари ва Марказий банклар бошқарувчиларининг илтимосига асосан қатор МХХАни ўрганиб чиқди. Ўрганиш натижалари бўйича 30-МХХА “Банклар ва нобанк кредит муассасалари молиявий ҳисоботларида ахборотларни ёритиш” ва 39-МХХА “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” деб номланган иккита андозани банк фаолиятида жорий этиш мумкинлигини, қолган андозаларни қўллаш учун тегишли услубий қўлланма тайёрлаш зарурлигини таъкидлади. Мазкур масала бўйича МХХА қўмитаси тегишли ишларни олиб бормоқда¹⁶.

МХХАни дунёнинг қайси мамлакатлари банк амалиётида қўлланилиши ҳам қизиқтиради. Маълумки, халқаро амалиётда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг учта модели мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчи модел. Молиявий ҳисоботларни халқаро андозалари, яъни МХХА, европача модел сифатида эътироф этилади. Ушбу модел ҳозирги пайтда асосан Европа мамлакатларида қўлланилади, МДХ мамлакатлари босқичма-босқич ўтиш бўйича давлат дастурлари ва қонунлар қабул қилинган, бироқ уни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ муддатлар доимий равишда орқага суриб келинмоқда, бирорта МДХ мамлакати банк тизимида тўлиқ жорий этилмаган.

Иккинчи модел. АҚШнинг умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари, ёки GAAP деб юритилади. Ҳозирги пайтда АҚШ банклари, компания ва фирмалари мазкур тамойиллар асосида молиявий ҳисоботларни тузади. АҚШ банк тизими ҳам МХХАга ўтмаган, бироқ 2015-2016 йилларда ўтиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Асосий муаммолардан бири амалдаги

¹⁶МХХА Қўмитаси 1973 йилда АҚШнинг Делавер штатида рўйхатдан ўтган, бош офиси Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида жойлашган. Унинг асосчилари ва молиявий маблағ билан таъминловчилари йирик халқаро аудит фирмалари ҳисобланади.

ҳисоботларни (қарийб кейинги олти йилликни) ретроспектив тарзда МҲХАга ўтказиш ҳисобланади.

Учинчи модел. Буюк Британия, Австралия, Канада ва Янги Зеландияда қўлланиладиган англосаксон модели, одатда молиявий ҳисоботларнинг андозалари (МҲА) деб юритилади.

Банк амалиётида МҲХАни тадбиқ этиш масалалари юзасидан амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида қуйидаги хулоса ва тавсияларни шакллантирдик.

1. Мамлакатимиз банк амалиётида жорий этилган бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари халқаро амалиётда қўлланиладиган молиявий ҳисоботлар шакллари тайёрлаш имкониятини беради. Мамлакатимиз банк тизимида МҲХА алоҳида андозалар шаклда эмас, балки бухгалтерия ҳисобининг тегишли операциялари ва ҳисоботларни тартибга солувчи тегишли меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар ва низомлар ҳамда мезонлар шаклида амалиётга жорий этилган.

2. МҲХАнинг барчасини банк фаолиятида тўғридан-тўғри жорий этиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз банк фаолияти ва миллий иқтисодиётнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатадиган андозаларни танлаб олиш, уларни бухгалтерия ҳисобининг миллий қонунчилик базаси ва иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқувчи гуруҳларни ташкил этиш лозим.

3. МҲХАнинг тегишли шакллари банк фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш муддатларини белгилаш ва жорий этилаётган МҲХАни иқтисодиётнинг барча тармоқларида, хусусан хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини тайёрлашда, аудит ва баҳолаш ташкилотларида амал қилишига эришиш лозим.

4. Банк тизимида МҲХАни ишлаб чиқувчи, жорий этувчи ва амалиётда қўллайдиган ходимларни малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш, бундан ташқари банкларнинг бошқа барча ходимлари учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон банк амалиётида бухгалтерия ҳисобининг халқаро талабларига жавоб берадиган ҳисоб ва ҳисоботлари жорий этилган, келгусида халқаро молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

3.2. Банк операцион харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари

Банкнинг функционал фаолиятини таъминлаб берувчи харажатлари ҳисобланган операцион харажатлар банклар фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Операцион харажатларга юқоридаги саволлада кўриб ўтганимиздек, ходимларга бериладиган иш хақи ва бошқа тўловлар, ижара ва офисни таъминлаш, хизмат сафари ва транспорт харажатлари, маъмурий харажатлар, репрезентация ва хайрия ишлари, эскириш харажатлари, суғурта, солиқлар ва бошқалар, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш харажатлари киради. Ушбу харажатлар банк томонидан бошқариб боришга ҳаракат қилинади. Шу сабабли банкнинг юқори турувчи органи бир молия йили учун смета ишлаб чиқади. Смета амал қилиши даврида харажатларни банкнинг бош бухгалтери ёки унинг ёрдамчиси бошқариб туради.

Смета банкнинг молиявий менежмент бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади. Смета банкнинг даромадлари ва харажатлари бўйича барча филиаллар учун ойма-ой суммалари белгиланади. Смета асосан банк харажатларининг ҳар бир харажат моддалари бўйича тузилади. Харажатлар ва даромадлар сметаси банк филиалларининг, ўз навбатида банкнинг бутун фаолияти натижасида ўтган йиллар давомида олган натижалари асосида белгиланади. Смета асосида фақат банкнинг меъёрлаштирилган харажатлари тартибга солинади. Депозитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа қатъий белгиланадиган харажатлар меъёрлаштирилмайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк харажатларининг деярли ярмидан кўпини операцион харажатларга тегишли. Операцион харажатлар

ичида эса асосий ўринни ходимларга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа унга тенглаштирилган тўловлар эгаллайди.

Иш ҳақини банклар ходимларнинг малака даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Бунда банк ходимларининг мутахассисликларига қараб иш ҳақи ҳисобланиб борилади. Ходимларга иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган вақти учун ҳисобланади ва ҳар ойда икки марта бериб борилади.

Операцион харажатларни ҳисобга олиш учун 56100- “Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар”, 56200- “Ижара ва таъминот харажатлари”, 56300- “Хизмат сафари ва транспорт харажатлари”, 56400- “Маъмурий харажатлар”, 56500- “Репрезентация ва хайрия”, 56600- “Эскириш харажатлари”, 56700- “Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар”, 56800- “Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварақлари очилади, ҳар бир харажат тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақ юритилади.

Агар харажатлар олдиндан тўланган бўлса, улар 19907- “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”, 19909- “Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”, 19925- “Олдиндан тўланган харажатлар” ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

Банк кейинги йил учун қилган харажатлари 19929- “Бошқа муддати узайтирилган харажатлар”, 19931- “Муддати узайтирилган солиқлар” ҳисобварақларида ҳисобга олиниб, улар тегишли ҳисобот даври келганда харажатлар таркибига ўтказилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк харажатлари таркибида анъанавий тарзда банкнинг бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари юқори салмоқга эга ва ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан кейинги ўринда туради. Таҳлил жараёнида ушбу харажатларни банк хизматлари таннархига қўшиладиган ва банк фойдаси ҳисобига амалга ошириладиган харажатларга бўлиш керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибида уларнинг улуши ҳар бирининг кўрсатилган мақсадларга қилинган банк харажатларининг салмоғини кўрсатади.

Бошқарув харажатларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор берилса кадрлар сиёсатининг самарадорлигига баҳо бериш мумкин бўлади:

- банк кадрлар сиёсатининг амалга оширилишига улар қандай таъсир кўрсатапти;
- банк мақсадларига эришишда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қандай рол ўйнайди;
- банк стратегик мақсадлари билан ходимларнинг моддий манфаатдорлиги уйғунлигини қай даражада таъминлаётганлигини;
- ижтимоий имтиёзлар ва мукофотлар ҳар бир ходимга меҳнатга ҳақ тўлашга мотивли ва танланган ҳолда ёндашиладими ёки барчага бир хилми.

Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳираларни яратиш харажатлар ҳисобига амалга оширилади. Буларни таҳлил қилиш жараёнида банкнинг кредит қарздорлиги бўйича қайсилари яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз сифатида таснифланган ҳамда қайсилари яратилган заҳиралар ҳисобига ёки бошқа манбалар ҳисобига қопланган. Таҳлил жараёнида шунингдек, заҳиралар кўпайтирилган ёки камайтирилган сабаблар ўрганилиши керак.

Банк харажатларини таҳлил қилишнинг яна бир йўналиши сифатида пассивлар ва активларни шакллантириш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган харажатларни ўрганишни киритиш мумкин. Банк харажатларининг асосий қисмини банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган харажатлар эгаллайди.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси” (рўйхат рақами 773-17-сон, 2004 йил 13 август, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда)да белгиланган тартибда акс эттирилади.

Банк операцион харажатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган ходим бу харажатлар бўйича ҳужжатларни бухгалтерия ўтказмалари учун қабул қилаётганда қуйидагиларни текширади:

а) пули тўланаётган ҳужжатда кредитларни тасарруф этувчининг рухсат имзоси бор-йўқлиги (агар бўнак ҳисоботи каби жамлама ҳужжат пули тўланаётган бўлса, имзо фақат жамлама ҳужжатда бўлиши талаб қилинади);

б) пули тўланаётган ҳужжатдаги хусусий суммалар ва яқунлар тўғрилиги;

в) ҳужжат тўғри расмийлаштирилгани ва хусусан, кўрсатилган хизматлар учун тузилган тўлов ҳужжатларига банкнинг тегишли мансабдор шахслари бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинганини тасдиқлаб қўйган имзоларнинг бор-йўқлиги;

г) сотиб олинган моддий қимматликлар учун ёзилган тўлов ҳужжатларда бу қимматликларни улар бут сақланиши учун жавобгар шахслар қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги тилхатларнинг бор-йўқлиги;

д) ҳужжат пули ҳисоботи топшириладиган суммалардан тўланган ҳолларда пул олингани тўғрисида ҳужжатга имзо чекилгани.

Агар ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилса, у ҳолда мемориал ордер тузилади. Мемориал ва касса ордерлари банк ички ҳисобварақлари бўйича ҳисоб юритадиган бухгалтер ҳамда бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тегишли ҳисобот даври давомида амортизация (харажатга ўтказилади) қилиниши лозим. Бундай харажатларга йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи, хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, даврий нашрга обуна бўлиш бўйича, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси, бинони ижараси учун олдиндан тўлов, олдиндан суғурта бадали, олдиндан аудиторлик хизматлари учун тўловлар, фаолият кўрсатиш билан

боғлиқ ташкилий харажатлар ва бошқа солиқ тўловлари мисол бўлиши мумкин.

Автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари, фойдаланилган ёнилғи қиймати ҳисоби “Транспортни сақлаш ва шаҳар бўйлаб юриш” номли алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади. Бундан ташқари, мазкур шахсий ҳисобварақда марказлаштирилган таъминот анжомларини вилоят доирасида ташиш харажатлари ҳисоби ҳам олиб борилади.

Банк реклама ва хабар бериш, канцелярия анжомлари ва офис буюмларини сотиб олишга қиладиган харажатлар, почта, телефон ҳамда факс харажатлари, даврий нашрлар, китоблар, газеталар учун қиладиган харажатлар ҳисоби “Маъмурий харажатлар” номли шахсий ҳисобварақда тегишли тарзда иккинчи тартиб ҳисобварақларида юритилади. Бу ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида қилинади.

Банк ходимларининг иш ҳақи ва уларга тўланадиган бошқа тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ХУЛОСА

Республикамизда банк тизимининг узлуксиз ривожланиши иқтисодий эркинлаштириш шароитида объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали бошқариш учун зарур ахборотлар базасини вужудга келтирувчи тизим сифатида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, унинг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ҳар бир тижорат банки молиявий ҳисоботлар орқали ўз фаолиятини ўзи назорат қилиб бормоғи лозим. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган молиявий ҳисоботлари банкнинг ўзи учун, шунингдек унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш органлари учун ҳам тижорат банкларининг молиявий аҳволи, пул муомаласининг ҳолати, халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини ўрганиш учун ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Юксак ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг миқдорларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб, янада кенг ўрганиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга ҳаракат қилиш керак. Бу вазифа кўплаб низом ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни, аввало, банк хизматчиларининг маъсулияти ва маданиятини оширишни тақозо этади»¹⁷. Ушбу маърузадан келиб чиқиб, банк тизимини ривожлантириш ва уларни халқаро тажриба майдонидан олинган назарий ва амалий билимлар натижалари билан ҳисобчилик тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Шу боисдан, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, банк операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

¹⁷ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январ.

- ❖ иқтисодий эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида тижорат банклари операцион харажатлари таҳлил қилинди ва уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари атрофлича тадқиқ этилди. Бунда тижорат банкларида харажатлар ҳисобини тўғри ташкил қилишда қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини таъминлаш ва ушбу ҳужжатлар асосида тижорат банклари ўзларининг «Ҳисоб сиёсатини» доимий равишда ишлаб чиқишлари мувофиқ деб топилди;
- ❖ тижорат банкларида фойда (даромад) ва зарарлар (харажат) тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби ва бу жараён билан боғлиқ мавжуд муаммолар аниқланди, мазмуни ва моҳияти таҳлил этилди ҳамда улар назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди;
- ❖ илмий тадқиқотлар натижасида банк ҳисоботида қуйидагича янги таъриф берилди: «Банк ҳисоботлари - бу ҳисобот даврига бўлган банкнинг молиявий ва мулкӣ ҳолатини уларнинг иқтисодӣ мазмунига қараб маълум тартибда гуруҳлаштирадиган ва ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган шаклларда акс эттирадигандан миқдорӣ характеристика ва кўрсаткичлар ягона тизимидир;
- ❖ тижорат банкларида молиявий ҳисоботларни тузишда «Ҳисоботларни тузиш ва тайёрлаш тамойиллари» МҲХСдаги эҳтиёткорлик, активлар ва мажбуриятларни ҳақиқӣ баҳолаш, ҳамда ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги тамойилларига асосан тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;
- ❖ банк даромадлари ва харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш масаласи ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Банк даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга “эҳтиёткорлик”, “ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги”, “аҳамиятлилик” тамойилларидан фойдаланса мақсадга мувофиқлиги

асосланди;

- ❖ тижорат банклари операцион харажатларининг ҳар бир банк операцияси бўйича ўрганиш кераклилиги, маблағларнинг номинал ва реал қиймати бўйича таҳлил қилиниб, унинг банк фаолияти таҳлилида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди;
- ❖ тижорат банкларида даромад – харажатлар ва тижорат банкларининг операцион харажатлари ҳисобини такомиллаштириш келгусида банкнинг молиявий барқарорлиги таъминлашга ва самарадорликка эришишга қаратилган муҳим чора-тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, банк самарадорлигига таъсир этувчи харажатларни назорат қилишнинг ёки камайтиришнинг уч асосий омили асослаб берилди: уларга, асосий капиталга инвестицияларни камайтириш; ортиқча (қўшимча) чиқимлар ва бошқа белгиланмаган харажатларни («бошқа харажатлар»); ходимларга кетадиган харажатларни назорат қилиш.

Дастлабки икки омил бино, ускуналар ва ҳоказолар бўйича харажатларни камайтиришни кўзда тутди. Учинчи омил жиддий ҳолатларда кўлланилиб, бўлимларни ёпиш, хизматчиларни қисқартириш чоралари кўрилади, лекин бунда меҳнатга ҳақ даражаси сақланиб қолади.

Тадқиқот жараёнида банк операцион харажатлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- ❖ Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики банк харажатлари таркибида анъанавий тарзда банкнинг бошқарув аппаратини сақлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари юқори салмоқга эга. Катталиги бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқарув харажатлари ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан кейинги ўринларда туради. Таҳлил жараёнида ушбу харажатларни банк хизматлари таннархига қўшиладиган ва банк фойдаси ҳисобига амалга ошириладиган харажатларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- ❖ Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида ҳисоботлар тузишни янада такомиллаштириш натижасида, банкларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилишда маълумотларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш лозим.

Шундай қилиб, мазкур мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишлар натижаларида тижорат банкларини операцион харажатлари ҳисобини ташкил қилишда услубий кўрсатма сифатида фойдаланиш, шунингдек, банк фаолиятини бошқаришда ижобий самарадорликка эришишига ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни 1995 йил 21 декабр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 25 апрел. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 30 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 9-сон, 142-модда)

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 21 апрелдаги ПФ-2564-сонли Фармони. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 172-модда)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 112-модда)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-

- 1166-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 104-модда)
 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори Халқ сўзи” газетаси. 27.11.2010 й.
 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 3-сон, 16-модда)
 7. 1.3.4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги 1306-сонли Низом, 2004 йил 30 январ. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 51-модда)
 8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 949-сонли Низом, 2000 йил 25 июл. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 14-сон, 2000 й., 24-сон, 2002 й., 9-сон, 2007 й., 50-51-сон, 527-модда, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 24-модда)
 9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида”ги 2004-сонли Низом, 2009 йил 9 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.,

37-сон, 412-модда)

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” № 773-17-сон 2004 йил 13 август. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 369-модда, 2005 й., 2-сон, 17-модда, 28-29-сон, 219-модда, 37-38-сон, 290-модда, 2006 й., 11-сон, 99-модда, 30-сон, 300-модда, 2007 й., 14-сон, 147-модда, 31-32-сон, 325-модда, 2008 й., 12-13-сон, 75-модда, 2009 й., 4-сон, 30-модда, 24-сон, 278-модда)
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги 1834-сон йўриқнома 2008 йил 11 июл. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда)

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари.

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 77 б.

IV. Асосий адабиётлар

1. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. -160 б.
2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003.-305 б.
3. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.
4. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2-е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. -368 с.
5. Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.-452 с.
6. Лаврушина О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (Банковский менеджмент).-М.: Юрист, 2003.-526 с.
7. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. -М.: Консалтбанк, 2003.-345 с.
8. Максютлов А.А. Банковский менеджмент: Учебно-практическое пособие. - М.: Издательство Альфа-Пресс, 2005.-444 с.
9. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими -Т.: Ўзбекистон, 2001.-224 б.
- 10.Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра-М, 2004. - 472 с.

11. Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006. - 672 с.
12. Черкасов В.Е. Банковские операции: финансовый анализ. –М.: Издательство Консалтбанкир, 2001, - 288 с.

V. Кўшимча адабиётлар

1. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, -М.: Высшее образование, 2009. -422 с.
2. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с.
3. Козлова Е.П., Галанина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. – М.: Финансы и статистика, 2000. -640 с.
4. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув кўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. -224 б.
5. Анализ финансовой отчетности: Учебное пособие / Под ред. О. В. Ефимовой, М. В. Мельник. – М.: Омега – Л, 2004. – 408 с.
6. Банковские риски. Под ред. О.И. Лаврушина.-М.: КНОРУС. 2007.-231 с.
7. Банковское дело: Функции коммерческих банков, международные расчёты, кредиты и инвестиции / ред. Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, -СПб.: Питер, 2002. -384 с.
8. Печникова А.В., Маркова О.М., Стародупцева Е.Б. Банковские операции: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -368 с.
9. Усатова Л.В., Сероситан М.С., Арская Е.В. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. –М.: Издательско-торговая корпорация Дашков и К°, 2007. -404 с.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Умаров З.А. Тижорат банклари молиявий натижалари моҳияти. // Иқтисодиёт ва таълим. журнали. –Тошкент, 2006. –№ 1. –Б. 135-137
2. Умаров З.А. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби.// Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2005. –№ 11 - Б. 11-12.
3. Усоскин В.М.Секьюритизация активов: Современные финансовые инструменты.// Деньги и кредит. -Москва, 2002. - № 5. - С. 39-44.
4. ОАТБ Туронбанк акциядорлик тижорат банкининг 2010-2012 йй. ҳолатига маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.– Т.:Ўзбекистон, 2011.–140 б.

VI. Интернет сайтлари

1. www.lex.uz - (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами)
2. www.cbu.uz - (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
3. www.finance.uz - (Молиявий иқтисодий таҳлил портали)
4. www.Turonbank.uz - (ОАТБ Туронбанк расмий веб сайти)
5. www.ahbor.uz - (Ahbor-Reyting рейтинг агентлиги)